“Тасдиқлайман”
“Қашқадарё сув таъминоти”
МЧЖ бош мухандиси
_____________ Т.Якубов.
“ 8 ” 11 _____ 2022 йил.

**Т Е Х Н И К Ш А Р Т № 342**

**Буюртмачи**:Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси.
**Иншоотнинг номи:** Нишон туман “Кўксой” махалласида ичимлик сув тармоқлари қурилиши .
**Манзили**: Нишон туман “КУксой” махалласи.

## I.ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҒИГА УЛАНИШ БУЙИЧА.

1.**Ичимлик сув тармоғига уланадиган жой:** “Кўксой” махалласини ичимлик сув билан таъминлаш учун, Нишон-2 насос станциясидан чиқувчи қувурдан улансин. Ахолига ичимлик сув қувури тортиш лойихада аниқлансин.

**2. Уланадиган ичимлик сув кувури диаметри:** Гидравлик хисоб-китобга кўра аниқлансин.

**3.** Истеъмолчи ичимлик сув тармоғига уланган нуқтага кузатув қудуғи қурилсин ва зулфин (задвижка) ўрнатилсин.

**4.** Уланиш нуқтасига замонавий сув ўлчаш асбоби ўрнатилсин (уланган нуқтага ва хар бир хонадонга).

## II.ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

**1**.Лойихалаштирилаётган ичимлик сув тармоғи чуқурлиги ва ўрни топотасвир ёрдамида аниқлансин, тармоқ чуқурлиги ва ўрнини белгилашда мавжуд ичимлик сув тармоқларининг жойлашуви ва чуқурликлари инобатга олинсин.

**2**. Ажратилган ер майдонида қурилиш даврида ёнидан ўтувчи ичимлик қувурларини мухофаза зонасини сақлаш шарт.

**3**.Техник шарт лойиха смета хужжатларини тайёрлаш учун берилди.

**4.**Ичимлик сув қувури тармоғининг тайёрланган дастлабки ЛСХ “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ билан келишилсин.

**5.**Техник шартнинг амал қилиш муддати берилган кундан бошлаб икки йил.

**Асос:**”Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Қашқадарё вилояти филиалининг 25.10.2022 йилдаги №782-сонли хати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 25 апрелдаги №408-сонли қарори, Нишон туман сув таъминоти филиалининг 03.11. 2022 йилдаги техник хулосаси.

**ИЧТБ бошлиғи** **К.Қўйбоқоров**